

ҲОКИМ МАКТАБЛАРГА КИТОБ СОВҒА ҚИЛДИ



Бугун, 22 февраль куни Олтинсой тумани ҳокими, 1-сектор раҳбари Баҳром Махматраемов ҳудуддаги б-умумтаълим мактабида бўлди. Туман ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус доирасида ёшлар орасида китобхонликни тарғиб қилиш мақсадида мактаб кутубхонасида китобхон ўқувчилар билан дилдан сұхбатлашди.

Таассуротларга бой, ҳаяжонли дақиқаларда мактабнинг 7-Б синф ўқувчиси Сўғдиёна Зиёдуллаева, 8-А -синф ўқувчилари Сабрина Қулназарова, Жасмина Қулназарова, 8-Б-синф ўқувчилари Севара Пўлатова, Диляфруз Мелимаматовалар ўзлари ўқиб чиқсан Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”, “Мехробдан чаён”, Сайд Аҳмаднинг “Уфқ” романларидаги қаҳрамонлар ҳақида йиғилганларга гапириб бердилар. Мактабнинг 2- Б-синф ўқувчиси Нуризар Маматрайимова эса яқиндагина ўзи ёзган “Олтинсойим” ва “Сурхондарё” шеърларини ифодали ўқиди.

Албатта, туман раҳбари билан ўқувчиларнинг кутубхонада кечган мулоқотлари уларнинг бир умр эсидан чиқмайди. Чунки, туман ҳокими инсоннинг камолотга етиши омили, ҳаётда эришадиган ютуқлари бош сабабчиси астойдил ўқиш ва китоб бўлишини ёшларга уқтириди. Сұхбат якуннида ўқувчиларни китобга ошно бўлишга чорлаб, уларга китблар совға қилди ҳамда мактаб кутубхонасига 50 дона бадиий адабиётлар тухфа этди.

Шундан сўнг туман ҳокими Б.Махматраемов, 1-сектор ҳудудидаги 8-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ҳам бўлди. Мактабда ўқувчиларга икки касб ва икки тил ўргатиш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишди. 11 нафар хунарманд қизларга Насиба Амирова, Диляфруз Ибрагимова, Дилшода Мелиқулловалар томонидан тикишибичиши сирлари ўргатилаётган бўлса, Абдуғаффор Маматқулов эса ўғил болаларга боғдорчилик сир-синоатларини ўргатмоқда. Икки тилни ўрганаётган ўқувчиларга инглиз тили фани ўқитувчиси Наргиза Муратшина яқиндан ёрдам бермоқда.

Туман ҳокими Б.Махматраемов 9-синф ўқувчилари Севинч Рамазонова, Нилуфар Бозорова, 10-синф ўқувчиси Алфарёз Омонов, 8-синф ўқувчиси Душан Нуриллаев, 10-синф ўқувчилари Фазилат Исмоилова, Райхон Абдураҳмоновалар билан уларнинг ўқиган китоблари хусусида сұхбатлашди. Китобхон ўқувчиларга ҳамда мактаб кутубхонасига 50 дона китоб совға қилди.

Туман раҳбари мактабда биринчи навбатда китобхонлик маданиятини юксалтириш, йигит ва қизларнинг китоб мутолаасига бўлган иштиёқларини ошириш зарурлигига эътиборни қаратди.

Нормурод ТЕМИРОВ,

Одилжон СОДИҚОВ.